

Ўзбекистон болалари ва ўсмирларининг газетаси



Шу йилнинг 17-18 август кунлари Тошкент вилоятининг Бўстонлиқ туманидаги Н. Островский номи болалар оромгоҳида Ўзбекистон Қизил Ярим Ой Жамиятининг ташаббуси билан мактаб ўқувчиларининг анъанавий XVII Республика "Саломатликнинг ёш дўстлари" слёти бўлиб ўтади. Унда саломатликнинг ёш дўстлари ўтган слётдан кейинги даврда қилинган ишлар ҳақида фикр юритишиб, келгуси режаларни тузиб олишади.

Қуйида ушбу слёт қатнашчиларининг Мурожаатномаси билан танишасиз.

XVII РЕСПУБЛИКА "САЛОМАТЛИКНИНГ ЁШ ДЎСТЛАРИ" СЛЁТИ ҚАТНАШЧИЛАРИНИНГ ҚИЗИЛ ЯРИМ ОЙ ЖАМИЯТИ БАРЧА ЁШ АЪЗОЛАРИ ВА ФАОЛЛАРИГА

МУРОЖААТНОМАСИ

Бизнинг анъанавий слётимиз Ўзбекистон ҚЯОЖ миллий жамият сифатида, Халқаро Қизил Хоч қўмитаси томонидан тан олинган, Халқаро Қизил Хоч ва Қизил Ярим Ой Жамияти Федерациясига аъзо бўлиш ҳуқуқига эга бўлган бир даврда ўтмоқда.

Ўзбекистон ҚЯОЖ Қизил Хоч ва Қизил Ярим Ой Халқаро ҳаракатининг аъзоси бўлиб, умумий қизиқишлар асосида Халқаро Қизил Хоч ҳаракати услубларига, яъни инсонпарварлик, ҳолислик, бегаразлик, мустақиллик, ихтиёрийлик, бирдамликка риоя қилади. Бизнинг вазифамиз — Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳамда ҳукумат томонидан қабул қилинган "Соғлом авлод учун" дастурига ўзимизнинг муносиб ҳиссамизни қўшиб, ҚЯОЖнинг фаол аъзоси деган номни оқлашдир.

Жамиятимизнинг асосий вазифаларидан бири аҳоли саломатлигини ҳимоя қилиш, соғлом турмуш тарзини таъбиёт қилиш, Жамиятнинг ёш аъзолари, соғлиқни сақлаш бўлимларининг аҳолини соғломлаштириш ишларида яқиндан ёрдам беришларидан иборатдир.

Биз XVII Республика "Саломатликнинг ёш дўстлари" слёти қатнашчилари Сизларни, яъни санитар фаолларини:

— ўқитувчиларга ва таъбиёт ходимларига аҳолини соғломлаштириш ва касалликларнинг олдини олишда кўрилатган тадбирларни ўтказишда;

— болалар ва ёшлар ўртасида жараҳатланишнинг олдини олишдаги чора-тадбирларни амалга оширишда;

— йўл ҳаракати қоидаларини ўргатишда, 5-10-синф ўқувчиларининг таъбиёт-санитар тўғрақларида иштирок этишларида;

— мактабларда таъбиёт ходимлари билан биргаликда санитария-гигиена билимларини ва биринчи таъбиёт ёрдам кўрсатишни ўргатишда;

— бошланғич синф ўқувчиларига ҳомийлик қилиш, уларга санитария-гигиена билимларини ўргатишда;

"Меҳрибонлик", "Ғамхўрлик" отрядлари аъзоларининг ёлғиз қарияларга ҳомийлик қилиш, беморлар, ногиронлар ва меҳнат фахрийларига ғамхўрлик қилишда фаол қатнашишга чақирамиз.

Ўзингизнинг доимий ишингиз билан ҚЯОЖнинг ёш фахрий аъзоси деган номни оқланг!

Биз Республика слёти қатнашчилари шуни ишонч билан айтишимизки, ушбу Мурожаатномани Ўзбекистон ҚЯОЖнинг минглаб ёш аъзолари қўллаб-қувватлайдилар ва ўзларининг амалий ишлари билан аҳоли саломатлигини ҳимоя қилиш ишига муносиб ҳисса қўшадилар.

Ёрдамчилар гуруҳи

ТАЪТИЛ КУНЛАРИДА

Болалар доим катталарнинг яқин кўмакчиларидир. Уй юмушларини бажаришда, дала ишларини сарамжонлашда ҳам улар яхши дастёр. Бу йил баҳорнинг серёғин келиши эса дала ишларини икки карра кўпайтирди. Чигитни қайта экишга, зудлик билан қатқалоқнинг олдини олишга тўғри келди. Мактаб ўқувчилари дарсдан бўш вақтларида ана шу ишларни бажаришда ота-оналарига кўмаклашишди.

Таътил кунлари ҳам улар катталар билан ёнма-ён бўлишди. С. Айний номидаги мактабнинг 10-синфини яхши баҳолар билан тугатган Олимжон Йўлдошев ва Баҳром Алламбергенов дўстлари Рашид, Гулойим, Бибисора билан ёрдамчилар гуруҳини тузишди. Шу кунларда улар эрталабки ва кечки салқин пайтларда давлат хўжалиги ерларидаги гўзаларни бегона ўтлардан тозалашда, чилпишда, сув тарашда катталарга яқиндан кўмак бермоқдалар. Ёрдамчилар гуруҳининг ишларидан ота-оналар жуда хурсанд.

Х. ОТАМУРОДОВ, Қорақалпоғистон Республикаси, Амударё тумани.



Ўзбекистон
Ўқувчилари



Мен бу болалар билан яқиндан танишман, — дейди республика ўқувчилар саройи ходимаси Дилбар она Назарова. — Улар шижоатли ва қобилиятли, зеҳнли, фахми жуда ўткир болалардир. Нимага қўл уришса урдасидан чиқадиган бу болаларнинг бўш вақтлари деярли бўлмайди. Айниқса, ҳозирги ёзги таътил кунларида.

Ҳар куни бўлмаса-да, кунора улар шу ерга келишиб, ўзларининг сеvimли машғулотлари билан шуғулланишади. Кимдир расм солади, кимдир рақс сирларини ўрганади, яна кимдир электрон ҳисоблаш машинаси қошида...

Юртбошимизнинг ёш ижодкорларни маънавий ва моддий жиҳатдан қўллаб-

қувватлаш мақсадида республика

ижодкор

ёшларининг "Истеъдод" жамғармасини ташкил этиш ҳақидаги фармонида кўра яқинда Вазирлар маҳкамасида унинг таъсис конференцияси бўлиб ўтди. Бу жамғармага "Ёш куч" журналининг бош муҳаррири, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Худойберди Тўхтабоев раис этиб тайинланди ва шу жамғармага Низом сармояси учун давлат томонидан 250 миллион сўм маблағ ажратилди.

Буни эслашдан мақсад иқтидорлиларга яна бир улкан имконият яратилди.

Ишонаманки, саройимизда шуғулланаётган ўқувчиларимиздан ҳам келажакда улкан олимлар, таниқли раққосалар, мустақил юртимизни бошқарадиган ҳалол ва фаол инсонлар, қатъиятли кишилар етишиб чиқади.

Суратларда: республика ўқувчилар саройидаги иқтидорли болаларнинг машғулоти пайти.

Р. Альбеков туширган суратлар.

Қишлоғимизда 8-9 ёшлардаги ноёб таланти Фавсиддин исмли бир бола бор. Кўринишидан тенгқурларидан фарқ қилмайди у. Аммо қишлоқ аҳли ўртасида ҳурмати баланд, ҳатто кекса оқсоқоллар ҳам сизлаб мурожаат қилишади. У Қуръон оятларини ёд ўқиб, сеҳрли тиловат қилади. Қишлоқдаги тўй-маъракаларда Фавсиддиннинг тиловатини тинглаб, бошларини эгганча сел бўлиб ўтиришганларини кўп марта кўрганман. У ўқишни тугатгач ҳам бу оҳанг таъсиридан чиқолмайсан, қандайдир бир мунг кўнглингга ўрнашиб қолади. Шу билан у ўзига батамом сеҳрлаб олади.

Ўзи ғоятда камгап, ёқимтой бола, ўнта гапирсанг бир марта жавоб қайтаради. Қишлоқда эса тенгқурларига қўшилиб яйраб ўйнаб юганини ҳеч кўрмаганман. Ўқитувчилари бир куни ҳамма болалар биттадан шеър ёд айтишларини сўрабди. Ҳар ким билганича айтиб, навбат Фавсиддинга келгач, у билган оятларидан бирини айтиб, ҳаммани ҳайратга солибди. Буваси Жамол бобо эса уни тўй-маъракаларда ҳамма вақт ўзи

билан олиб юрар, билган эшон, имомлар билан суҳбатлашар, невараси тарбияси хусусида маслаҳатлар олар эди. Қишлоқ кексалари Фавсиддиннинг қобилиятига қараб бирор каттароқ мадрасага ўқишга юборишни маслаҳат қилишар, аммо Жамол бобо уни узоққа юборгиси келмасди. Шунинг учун бобоси ўзи кўпроқ ўрганадиган, ўрганган билимларини эса Фавсиддинга

Бобосига Фавсиддиннинг диний мактабда ўқиши кераклигини тушунтирди. Агар истаса, уни ўзи билан олиб кетишини айтди. Охири Жамол бобо рози бўлди.

Шундай қилиб, Ориф Хўжа эшон Фавсиддинни Тошкентга олиб келди. Олиб келганда ҳам мадрасада эмас, балки ўзи унга уйда хусусий сабоқ бера бошлади.

“Биринчи кўришимдаёқ унинг юзидан

учратаман.

Ўтириб суҳбатлашамиз. Уй, она қишлоқ соғинчидан гапимиз қовушади.

— Фавсиддин, бу ерларда юрганингдан афсусланмайсанми? — деб сўрайман.

— Йўқ, — дейди у тортиниброқ.

— Кел, уялма, очикчасига гаплашайлик. Масалан, сен оятларни ўқиётганингда бунчалик ҳижолат чекмайсан-

ўйнамас эдинг, наҳотки шаҳарда ҳам кўчага чиқиб, болалар билан ўйнагинг келмайди?

— Нега, ўйнайман, лекин киришиб кетолмайман. Шунинг учун кўпроқ уйда ўтираман.

— Бўлмаса менга ўзинг яхши кўрган оятлардан бирортасини ўқиб бер.

Фавсиддин чордона қуриб ўтириб олдида бошини қуйи эгганча сеҳрли овоз билан ўқий бошлади...

Бу илоҳий муножот мени ҳам элитди. Бутун танзим мўътабар туйғулар силосасида мангуликка дахлдордай ором ола бошлади. Ҳа, бекорга Фавсиддин оятлар таъсирида ўз хаёли билангина яшамас экан. Домласи Ориф Хўжа эшоннинг у ҳақида айтган гаплари эсимга тушди: “У ҳақиқий табаррук, пок бола. Оллоҳ шундай тоза кўнглиларгагина назар солади. Уларнинг юзига нур ато этади”.

Инсоният бир нарсага амин: ҳақиқий покликка сидқидилдан қилинган эътиқод ила эришилади. Бизнинг эътиқод эса, айниқса, мангу. Унинг замирида ота-боболаримиз меҳнати, билими, орзу-истаклари ётади. Унда қанчадан-қанча фавсиддинлар улғаяди, камол топади, қад ростлайди...

Малик БОБОЕВ,
Ургут тумани.
Оққўргон қишлоғи.



ФАВСИДДИН ДЕГАН БОЛА

етказадиган бўлди.

Шундай кунларнинг бирида Фавсиддин ҳақида эшитган масжид имоми таклифи билан у катта масжидда тиловат қилиб берди. Мингга яқин одам сукунатга ботганча кўзларини юмиб, чайқалиб тиловат қилаётган ёшгина Фавсиддинни эшитишди. Шунда ваъзхонлик қилгани келган тошкентлик мадраса домласи Ориф Хўжа эшон ҳам у билан қизиқиб қолди. Бобоси ва Фавсиддин билан неча маротаба суҳбатлашди.

ёғилиб турган нур мени ўзига тортган эди, ўшандаёқ унга ўзим савод беришни кўнглимга туккан эдим “Ҳ дейди унинг устози. Тошкентда мендан бошқа таниши йўқ, олдида ва устозининг уйига тез-тез бориб тураман, ўзи ва устози билан суҳбатлашаман.

Ориф Хўжа эшон 12 ёшгача унга ўзи савод беришни, кейингина мадрасага боришини айтади. Ҳар борганимда Фавсиддин хурсанд бўлиб кетади, мен уни кўпинча китоб ўқиётгани устида

ку, тўғрими, ўшанда ҳам атрофингда одамлар бўлишади ёки ўқиганингда сенга бошқача таъсир қиладими?

— Ҳа, — жонланиб кетади у, — ўқиётганимда ростдан ҳам бошқача бўлиб қоламан, кўзимни юмишим билан атрофдагиларни унутаман, ўзимни бошқа бир ёқларда ҳис қиламан, енгил бўлиб қоламан, худди учиб кетаётгандай. Хаёлимга кўп нарсалар келади.

— Сенга бундай ҳолатга тушиш учун қайси оятни ўқишининг фарқи йўқми?

— Олдин шунақа эди. Мен фақат ёд билардим, маъносини тушунмас эдим. Ҳозир домлам ёрдамида оятларнинг маъносини ўргана бошладим. Тушуниб ўқиганингга етмас экан. Тиловат қилишлик ҳам осон бўларкан. Лекин ҳали кўп нарсани ўрганиш керак.

— Қийиндир ҳаммасини ўқиш, ўрганиш.

— Йўқ унчалик эмас. Чарчаган пайтларим ўзимга ўзим овоз чиқариб ўқийман, шунда ҳаммаси ўтиб кетади.

— Сенинг ёшингдаги болалар ўйнашни ёқтиришади. Лекин сен қишлоқда ҳам ўртоқларингга қўшилиб

Муаллим,
сураларни ёд
олдим.

Р. Альбеков
туширган сурат.



(Давоми. Бошланиши ўтган сонларда).

Ғаламислиги ва ўзбошимчалиги билан Темурнинг ғазабини қўзғатган грузин князлари, товламачи армян ҳукмдорлари Кичик Осиёдан қайтган қўшин қаҳрига учради. Туркистон ва Арманистонни яна бир бор қиличдан ўтказган Темур ўзининг Кавказдаги доимий маскани — Қорабоғда кўр тўкди.

Амир-у беклар, мингбоши-ю ўнбошилар ва оддий сипоҳу навкаргача байрам кайфиятида эди. Гўзал тоғли дараларда дошқозонлар қайнайди. Юзлаб қўйлар сўйилиб, ғолиблар базм қилишди.

Бой ўлжали қўшин руҳи баланд ҳукмдор қайга чорласа ўша жойга от суришга тайёр. Темурбек ўзини бахтиёр сезарди. Энди у тўла маънода жаҳонгир бўлди. Энди у ислом оламнинг ягона устун!

У бахтиёр, мамнун сафдошларига боқади. Уламолар суҳбатини берилиб тинглайди.

Барча соҳибқироннинг уламолар ўртасига қизиқ масалалар қўйиши ва уларни кўпинча мот қилиб ҳузурланишини билади.

Темурбек уламолар суҳбатида илму фозиллар устидан ғалабасини ҳар қандай ҳарбий зафардан устун қўйишини ҳам билишади. Қайси эл, қайси юртни олмасин, ўша жойларнинг энг зўр уламолари, олимусанъаткорини ўзига чорлаб, суҳбатини олишни одат қилган. Темурбек

саркардаларига ҳам уларни ҳурмат қилишни буюради.

Гулханлар ёқиб, куй-қўшиқлар бири-бирига уланган кунларнинг бирида шум хабарли элчиси етиб келди.

Тахт вориси, валиаҳд шаҳзода Муҳаммад Султон йўлда касалга чалиниб, Қораҳисорнинг шарқидаги учинчи довонида жон таслим қилибди. Умрининг 29 баҳорида оламдан ўтибди!



Тарихий лавҳалар

Байрам мотамга айланди. Темурбек бошига тушган мусибатга ҳамдам бўлиш учун биринчилар қаторида Мир Саид Барака унинг чодирига етиб келди.

Темурбек ёшли кўзларини артмай пири ҳузурига чиқди.

— Чирогимдан айрилдим, пирим, — деди у изтироб ичра.

Мир Саид Барака бошидаги салласини ечиб, ҳўнграб йиғлади.

Темурбек пирини бағрига босиб қўшилиб йиғлади. Саркардалар, қўшин бошлиқлари, навкарлар бу икки буюк одамни оддий бандалар қатори биринчи бор кўришар эди. Ҳеч ким ўзини тийиб туролмади. Фарзанд доғи нималигини англамайдиган зот борми, ўзи?

Темурбек ҳам ҳамма қатори оддий банда экан. У ҳам одам. Ота. Бобо. Ана шу лаҳзаларда лашкар ўзларининг буюк ҳукмдорларининг “Мен тангрининг қули Темур” дея амру-фармонларидаги яширинган ҳикмат маъносига етишди.

Мукофот ва жазо

“Темур олимларга серилтифот эди. Билимдонлиги билан бир қаторда софдиллигини кўрган кишиларга ишонч билдирарди. У муаррихлар, файласуфлар, шунингдек, илм-фан, бошқа ишларда билимдон бўлган барча кишилар билан суҳбатлашиш учун кўпинча тахтдан тушиб, уларнинг ёнига келарди. Негаки, Темур бу соҳаларга ғамхўрлик қилишга асосий эътиборини қаратарди.

“Темур одамларни ўзига бўйсундириш қобилиятига эга эди. У ўзининг бу қобилиятини одамларни бахтли қила билиш иқтидори билан уйғунлаштиради. Темур, унинг тарихчиларидан бири Шарафуддин Али Яздийнинг айтишича, бир вақтнинг ўзида душманларига офат, ўз

аскарларига қаттиққўл раҳбар, ўз халқига эса ота бўла олар эди. У ўз фуқаросининг аҳволи ҳақида яхши бошлиқлари берган маълумотни ўзи шахсан кўздан кечирарди, негаки у одам таний ва танлай биладиган шоҳ эди”.

Л. ЛЭНГЛЭ,
фаранг шарқшуноси.

1404 йилда Темурбек Самарқандга етти йил давом этган юришдан сўнг қайтишга фармон берди.

Суюкли набирасининг йил ошини Қорабоғда ўтказиб бўлгандан кейин Муҳаммад Султоннинг онаси Суюк бека ўғлининг жасадини вақтинча дафн этилган авлиё Ҳайдар мазоридан Самарқандга олиб кетишга ижозат олади.

Порлоқ ғалабадан сўнг бошига тушган мусибат Темурбекка оғир таъсир қилган бўлса ҳам у ўзини ҳис-туйғуларидан юқори тутиб, ҳукмдорлик вазифасини бажариши лозимлигини тушунарди.

Ғолиб қўшинни, саркардаларни тақдирлаши, табрик учун келган одамларни, турли эллар элчиларини қабул қилиши лозим. Кимларгадир илтифот, баъзиларга қаҳр сочиши керак. Ҳукмдорлик бурчи, таомили шундай.

Бутун Моворауннаҳр унинг пойқадамини кутмоқда. Самарқанд донғи бутун ислом оламига кетган ғолибга мунтазир.

(Давоми бор).



СИЗ ТАДБИРКОР БЎЛА ОЛАСИЗМИ?

Тадбиркорлик, бизнес, тижорат. Гарчанд бу сўзлардан нутқимизда синонимлар сифатида фойдалансак-да, мутахассислар уларда турли маъноларни англайдилар.

Тижорат деганда маҳсулотларнинг савдо-сотиғидан иборат (қоида бўйича фақат савдо соҳасидаги) ҳўжалик фаолияти тушунилади.

Бизнес — янада катта тушунча бўлиб, фойда келтирувчи (биргина савдо соҳасида эмас) исталган фаолият кўринишидир.

Ва охири, тадбиркорлик. Бу инсоннинг ўзи бошқараётган бизнес бўйича интеллектуал фаолиятидир.

Инсон бутун умри давомида: овқатланиб, кийинганда; автомобиль сотиб олиб, фильм томоша қилаётганда; китоб ўқиб, оромгоҳда дам олаётганда ҳам истеъмол қилувчи сифатида яшайди. Ташаббускор ва ғайратли тадбиркор эса албатта ўз фойдасини ҳам кўзлаган ҳолда, одамларнинг бу катта эҳтиёжларини қондириш йўллари қидиради. У турли рақобатчилари қаторидан ажралиб чиқиш чораларини кўради. Ўз ғояларини ишлаб чиқиш воситаларини излаб топади. Савдо, қурилиш ёки ишлаб чиқариш орқали бу ғояларни амалга оширади. Кўриниб турибдики, тадбиркор ўз фойдаси учун меҳнат қила

туриб, жамият фаровонлиги учун ҳаракат қилади.

Тадбиркорлик фаолияти асосида инсоннинг нафақат бойликни кўпайтириш эҳтироси, балки унинг табиий самимияти, ўз имконияти ва ишончини намоиш этиш истаги ҳам ётади.

Бироқ тадбиркор бўлиш ҳаммага ҳам насиб этавермайди: бунинг учун киши маълум бир шахсий сифатларга ва ўзига хос ички дунёга эга бўлмоғи лозим. Ҳўш, ўз қобилиятингизни синаб кўришни истайсизми? Бу борада сизга қатор Америка компанияларида синалган, тадбиркорларнинг турли сифатларини белгилувчи тест синови ёрдам беради.

ТАШАББУС 1	Ташаббусим йўқ, доим 1 бўйруқ кутаман 1	Зарур ишларни раҳбариятнинг кўрсатмаларисиз бажараман 2	Топшириқларни бажаришда топқир ва қувноқман 3	Бўйруқ кутмасдан кўпинча топшириқларни қидираман 4
ЎЗГАЛАРГА МУНОСАБАТ 2	Камқиринимли, мулоқотда қийинман 1	Баъзида мен билан ишлаш қийин 2	Мулоқотда муомалали ва ёқимлиман 3	Кипинларга доимо дўстона муносабатда бўламан 4
БИРИНЧИ БЎЛИШ 3	Сусткашман 1	Етакчи 2	Бўйруқларни моҳирлик билан бераман 3	Кучлиман, ишонч ва қатъиятни сингдираман 4
МАСЪУЛИЯТ 4	Ҳар қандай илтимосларни бажаришдан бўйин товлайман 1	Топшириқларни истар-истамай қабул қиламан 2	Асосан рози бўламан 3	Топшириқларни бажаришда масъулият сезаман 4
ТАШКИЛОТЧИЛИК ҚОБИЛИЯТИ 5	Ёмон 1	Ўрта 2	Қодирман 3	Одамларни ишонтиришда ва фактларни мантиқан тизишда қобилиятли 4
МУСТАҚИЛЛИК 6	Доим иккиланаман ва кўрқаман 1	Тезқорман, бироқ кўпинча хато қиламан 2	Пухта, эҳтиёткор ва кузатувчанман 3	Чаққон ва аниқ 4
ТИРИШҚОҚЛИК 7	Йўқ 1	Тиришқоқлик ва мустақиллигим ўртача 2	Доимий куч-ҳаракатларни қўллайман 3	Мақсад сари собитман, мени йўлдан уриш қийин 4

ТАДБИРКОРНИНГ СИФАТЛАРИНИ БЕЛГИЛАШ ТЕСТИ

Тадбиркор ишчанлигини белгилувчи ушбу етти сифатга берилган тўрт характеристиканинг ўзингизга мосини танлаб олинг.

НАТИЖАЛАР БАҲОСИ

Танланган жавоб варианты 2 дан 4 балгача баҳоланади. Ўз шахсий ишингизга эга бўлиш ва уни бошқариш қобилиятингиз олинган баҳоларга кўра қуйидагича бўлади:

АЪЛО — 25-28 бал

ЖУДА ЯХШИ — 21-24 бал

ЯХШИ — 17-20 бал

ЎРТА — 13-16 бал

ЁМОН — 12 бал ва ундан кам.

Агар сиз олган бал ўртачадан ҳам паст бўлса ҳеч хафа бўлманг.

Биринчидан, сиз ҳали ёшсиз, ўз камчиликларингизни тўғирлашингиз мумкин.

Иккинчидан, сиз ишингизни яқка-ёлғиз эмас, балки кўпчилик бўлиб амалга оширарсиз, шунда сизнинг камчиликларингиз ўрнини шерикларингизнинг кучли сифатлари қоплаб кетади.

Бармоқлар
сўзлашасиз



Буюк даниялик эртаки Христиан Андерсен ўз вақтида Хитойнинг барча аҳолиси — хитойлар ва, ҳатто императорнинг ўзи ҳам хитой деб ёзган эди. Император аллақачон йўқ энди, 1 млрд. 200 млн. аҳолининг ҳаммаси ҳам хитой эмас. Хитой — кўп миллатли мамлакат. Ҳар қалай аҳолисининг аксарият қисми хитой тилида гаплашишади. Шундай бўлса-да, улар кўпинча бир-бирларини тушунишмайди. Ҳўш, бунинг боиси нима?

Ҳамма гап — шевада. Улар

мамлакатнинг ҳар бир вилоятида турлича. Шу туфайли ҳам ўзаро мулоқотда қийинчиликлар мавжуд. Турли шеваларда гаплашувчи хитойликлар бир-бирларини яхши тушунайдилар. Бу муаммонинг ечими нимада? Албатта иероглифларда. Улар бутун мамлакат бўйлаб бир хил. Кўпинча шундай ҳолатни учратиш мумкин: икки хитойлик қаҳвахонада стол атрофида ўтириб олиб қалам ва қоғоз орқали навбатма-навбат бир-бирига жумлалар ёзиб, мулоқот қилишмоқда.

Агар қоғоз ва қалам бўлмай, бозор ёки дўконда савдо қилиб қолишса-чи? Нархни билиш, савдолашиш керак, унда нима бўлади? Бунда бармоқлар билан бўладиган имо-ишоралар қўл келади. Асосан 1 дан 10 гача бўлган сонларни билдиришади. Хитойда бу биздагига қараганда бошқачароқ тарзда тушунтирилади. Шундай қилиб, агар сиз бу мамлакатга бориб қолсангиз, ушбу имо-ишоралар савдо ишларингизни юритишда ёрдам беради.





Китоб ўқимайдиган болага

Нечун хомуш, нечун жимлик,
Нечун бунча хафасан?
Нечун гўзал бу мактабдан,
Кўнглинг қолди дафъатан?
Олдиндадир гўзал дунё,
Йиллар айлар хитоблар.
Ўқимасанг, ўқиб қолгай
Энг чиройли китоблар.
Илм олсак кўнглимизда
Осмонлар яралажак.
Билсанг, дўстим,
китобдадир

Бахту иқбол келажак.

Ҳайвонот боғида

Бунда ҳамма бир ҳайвонга
Тиқилганча мот экан.
У ҳайвонга фақат уйқу
Асал ҳам новвот экан.
Кўзларида, думларида
Чивин, ҳашорат экан.
Билсанг, дўстим,
у ҳайвоннинг
Оти бегемот экан.

Умида БОҚИЕВА,
Сурхондарё вилояти, Сарносиё
туманидаги 32-мактаб ўқувчиси.



Она ўғлига:
— Анвар билан ўйнама, у ёмон
бола, — деди.
— Бўлмаса Анвар мен билан
ўйнасин, ахир мен яхши боламан-ку.

— Дада, телевизор кашф
қилингунга қадар одамларда нима
бўлган?

— Тинчлик, хотиржамлик, ўғлим.

Набира бобосига баҳоларини
кўрсатиб мақтанди.



— Э-э, — деди бобоси шунда, —
мен ўқиганимда тарихдан фақат
"беш" бўлган, сенда эса нукул "тўрт"
экан.

— Ҳа, бобожон, — набира ҳам бўш
келмади. — Сиз ўқиганингизда тарих
қисқароқ бўлган-да.

— Салом, Холиқ Ортиқович,
менинг қадрдон дўстим! Жуда
ўзгариб кетибсан! Соҳларинг
оқарибди, семирисан...

— Кечирасиз, янглишдингиз, мен
Малик Жўраевичман.

— Қандай? Сен исмингни ҳам
ўзгартирдингми?!

Уғил отасидан сўради:



Агар мендан "Анваржон келажакда таниқли шоир бўлиб
етишадими?" деб сўрашса, аниқ жавоб беришим қийин. Чунки
буни вақт кўрсатади. Қолаверса, бу нарса Анваржоннинг саъй-
ҳаракатига боғлиқ. Лекин шуларни ишонч билан айтишим мум-
кинки, Анваржон ҳозирданоқ шеър техникасини яхшигина
эгаллаган, машқларида сўзни ҳис қилиш қобилияти кўриниб
турибди.

Устоз кўрмаган шогирд ҳар мақомга йўрғалар, деган гап бор.
Анваржон оиласидаёқ устоз кўрган. Унинг отаси Бурҳон ака
Шомирзаев нафақат ўғлига, балки Пайариқ туманидан етишиб
чиққан бир неча шоир, олим, журналистларга устозлик қилган.
Ўзининг шеърлари ҳам кўпгина юраклардан жой олган.

Анвар Бурҳон ота қўлидан қаламини туширмаса, не ажаб?!
Азим СУЮН.

Китобим

Китобларим бир талай,
Фикримни тортар доим.
Қайта-қайта ўқийман,
Билимим ортар доим.
Яшашдан мақсадимни
Ҳар сафар эслатади.
Қўлимдаги маёғим —
Ойдин йўлга элтади.

Қушлар саси

Тонгда чиқсам сайрга
Банд этади хаёллар.
Қушларнинг нағмалари
Дилимга илҳом берар.
Юртимизда тинмасин
Уларнинг қувноқ саси.
Ўлим ҳеч чанг солмасин —
Омон бўлсин ҳаммаси.

Соғлом бўлинг

Соғлом танда соғ ақл,
Деган қадим боболар.
Шу сабабли шабнамдек
Тоза юринг, болалар.
Ифлос юриш кўп ёмон,
Касал бўлиб қоласиз.

Вали эркатой

Ўқиш билан иши йўқ,
Кўчада юрар Вали.
Қаранг, дарсга киришга
Вақт эрта-ку, дер ҳали.

Ака-ука

— Аяжон, ая, акамга
қаянг,
— Ҳа, нима, ўғлим?
Қолдими кўнглинг?
Шунда акаси
Хандон кулади.
— Кел, от бўлай, — деб
У букилади.

Ҳурмат

Катталарни кўрганда
Салом айлагин.

Кичикларни

кўрганда

Дилин овлагин.
Қўлида юк бўлса,
Ёрдам бер дарров.
Сени ҳам вақти

келиб

Ҳурматлар биров.

Чумоли

Исмига мос
Қилар иши.
Йиғар ёзда
Қиш емиши.
Меҳнат қилса
Шундай одам.
Гуллаб кетар
Эди олам.

Анвар БУРҲОН,
Пайариқ туманидаги
69-мактаб ўқувчиси.

Мустақил юртим

Мустақиллик шамолига юз бурган ўлкам,
Қалбим тўла севинч билан сенга боқаман.
Кенг далангу, боғу-роғинг, осмонинг кўркам,
Қучоғингда бахтиёрман, пойинг ўпаман.
Қуёш, тинчлик нурларингни сочавер доим,
Ўзини ҳур кўрмоқдадир бугун ўзбегим.
Неча йиллик орзулари рўёбга чиқиб,
Шукур, қайта қовушмоқда бу Турон элим.

Дилдора БАХТИЁР қизи.



Куйни
унутибман
Р. АЛЪБЕКОВ
туширган сурат.

Бош муҳаррир: Ақром БЕРДИМУРОДОВ.

Таҳрир ҳайъати:
Ф. ЖАЛИЛОВА, Т. КАРИМОВ, А. КҮЧИМОВ,
М. ПИРМАТОВ / масъул котиб /,
М. РАҲИМБЕРДИЕВА, Ш. СУННАТОВ,
Д. ТУРАХМЕТОВА.

Тасвир аниқ:

ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАР ИТТИФОҚИ
МАРКАЗИЙ ҚўМИТАСИ
Газета 1329 йил, 1 августдан
«ЛЕНИН УЧҚУНИ» номли билан
чиқиб бораётган.

Газета ҳафтанинг чоршанба кuni чиқади

Маълумот учун телефон: 33-49-45

Бизнинг манзилгоҳ:
700083. ТОШКЕНТ ШАҲРИ,
ЛЕНИНГРАД КЎЧАСИ, 32-УЙ.
Напр кўрсаткичи: 64563
Чоп этиш вақти — 18.00.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Маҳкамасининг Ишлар бошқармаси ҳузуридаги "ШАРҚ" нашриёт-матбаа концерни
Газета IBM компютерида терилди ва саҳифаланди. Корхона манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй.

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 000137. Буюртма № Г-492. 29939 нускада босилди. Ҳажми — 1 босма табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А-3.

Босишга топшириш вақти 19.00. Босишга топширилди 19.00.

1 2 3 4 5 6